# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 6 сентябрь, № 172 (5339) Сешанба


# БАДИИЙ ГИМНАСТИКА ЮЛДУЗЛАРИ ТОШКЕНТДА

RG WORLD CUP 2011






Абдуғани ЖУМА ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

**Пойтахтимиздаги “Универсал” спорт саройида бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи ҳамда “Happy Caravan” халқаро турнири бошланди.**

Таъкидлаш жоизки, бундай нуфузли спорт байрамларига мезбонлик қилиш ҳар қандай давлатга ҳам насиб этавермайди. Бунга эришиш учун етарли шароит ва халқаро талабларга жавоб бера оладиган спорт базасига эга бўлиш лозим. Бизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайдиган жиҳати, Ўзбекистон ана шундай имкониятларга эга мамлакатлардан биридир. Жумладан, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, шу асосда жойларда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ўтган йигирма йиллик истиқлол даврида катта куч ва маблағ эвазига ҳар бир ҳудудда юзлаб спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этилгани бунинг амалий тасдиғидир. Ана шундай масканларда тарбияланаётган Ўзбекистон ёшлари бугун қитъа, жаҳон чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этиб, барчанинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Қолаверса, мамлакатимиз қайси спорт тури бўйича мезбонлик масъулиятини зиммасига олган бўлса, уни доимо юксак савияда адо этиб келаётир. Буни хорижлик спортчилар, мураббийлар, мутахассислар ҳам доимо алоҳида тилга олиб ўтишади.

(Давоми 2-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбари Ислом Каримов номига хорижий мамлакатлар, ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда сиёсат ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда. Мазкур табрикномаларда улар қизғин муборакбод сўзларини изҳор этиб, Юртбошимизга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларини йўллаганлар.

Франция Республикаси Президенти Николя Саркози йўллаган табрик мактубида шундай дейилади:

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари!

Бу йил ўз мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаётган Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий қутловларимни ҳамда мамлакатингиз ва халқингизга бахт-саодат, тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган истакларимни изҳор этиш шарафига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Сиз эълон қилган ва яқин йиллар ичида амалга оширилиши мўлжалланган мамлакатингизни модернизация қилиш ва демократлаштириш дастури билан қизиқиб танишиб чиқдим. Уни рўёбга чиқариш йўлида муваффақият тилайман. Франция тараққиёт агентлиги Ўзбекистондаги бир қатор лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этишга қарор қилгани ҳар томонлама ва самарали ҳамкорлигимизга янги суръат бағишлайди. Шунингдек, икки томонлама маданий ва илмий алоқаларни, жумладан, мамлакатингизда фаолият юритаётган институтлар ёрдамида янада мустаҳкамлаш истагини ҳам билдирмоқчиман.

Тошкентда яқин орада Европа Иттифоқи доимий ваколатхонасининг очилиши Ўзбекистон билан унинг Европадаги шериклари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Биз ҳуқуқий давлат барпо этиш, адлия ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш каби соҳаларда ҳам тажриба алмашишни давом эттиришимизни истардим.

Фурсатдан фойдаланиб, халқаро коалициянинг Афғонистондаги операциялари доирасида Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги ҳамда мамлакатингизнинг минтақани ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор этмоқчиман. Ўзбекистоннинг мазкур йўналишда кўраётган чора-тадбирлари Ўрта Осиёдаги лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Сўнгги минтақавий кризис жараёнида Ўзбекистон намоён этган вазмин позиция барқарорликнинг мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этди.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Николя САРКОЗИ,**
**Франция Республикаси Президенти**

* * *

Қуйидагилар ҳам ўз табрикномаларини йўллашган:

Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти — **Жозе Мануэль БАРРОЗО**

Бельгияликлар Қироли — **АЛЬБЕРТ II**

Нидерландия Қироличаси — **БЕАТРИКС**

Швейцария Конфедерацияси Президенти — **Мишлин КАЛЬМИ-РЕЙ**

Польша Республикаси Президенти — **Бронислав КОМОРОВСКИ**

Греция Республикаси Президенти — **Каролос ПАПУЛИАС**

Словакия Республикаси Президенти — **Иван ГАШПАРОВИЧ**

Люксембург Буюк Герцоглиги Бош вазири — **Жан-Клод ЮНКЕР**

Иордания Подшоҳи — **АБДУЛЛОҲ II**

Қатар Давлати Амири — **Шайх Ҳамад бин Ҳалифа ОЛ СОНИЙ**

Баҳрайн Подшоҳи — **Ҳамад бин Исо ОЛ ҲАЛИФА**

Қирғизистон Республикаси Президенти — **Роза ОТУНБАЕВА**

Австралия Генерал-Губернатори — **Квентин БРАЙС**

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти — **Чионг Тан ШАНГ**

Мўғулистон Республикаси Президенти — **Цахиагийн ЭЛБЭГДОРЖ**

Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиуми Раиси — **Ким Ен НАМ**

Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби — **Кунио МИКУРИЯ**

МДҲ Ижроия қўмитаси Раиси — Ижро этувчи котиби — **Сергей ЛЕБЕДЕВ**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби — **Муратбек ИМАНАЛИЕВ**

Коллектив хавфсизлик шартномаси Ташкилоти Бош котиби — **Николай БОРДЮЖА**

БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги Доимий мувофиқлаштирувчи вакили — **Анита НИРОДИ**

Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутати — **Ким Ёнг ГУ**

Франция савдо-саноат доиралари ҳаракати “МЕДЕФ Интернешнл” Вице-президенти, Бош директори — **Тьерри КУРТЕНЬ**

Сингапур менежментни ривожлантириш институти Бош котиби — **д-р Р. ТЕЙВЕНДРАН**

Япония буддистлар ташкилоти “Сока Гаккай Интернешнл” президенти — **Дайсаку ИКЕДА**

Марказий Осиё бўйича Кембриж Форуми раиси, Марказий ва Ички Осиё бўйича Британия Қўмитаси Фахрий котиби — **профессор Сиддхартх САКСЕНА**

Клавихо — Амир Темур номидаги Испания — Ўзбекистон дўстлик уюшмаси президенти, Ўзбекистон Республикасининг Мадриддаги Фахрий консули — **Сантьяго РУИС-МОРАЛЕС**

Осиё ва Ўрта ер денгизи мамлакатларини ўрганиш бўйича Италия институтининг Бош котиби — **Антонио ЛОКЕ**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Германия Федератив Республикаси Қуйи Саксония федерал ерининг озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва ривожланиш вазири Герт Линдеманн раҳбарлигидаги делегация 5 сентябрь куни қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказди.***

# ГЕРМАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Шавкат Ҳамроев билан мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар барча жабҳалар қатори қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳалар сингари қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилди.

— Германия Ўзбекистон билан барча йўналишларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори, — деди Герт Линдеманн. — Ўзбекистон билан бошқа йўналишлар қатори озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятидамиз. Ташрифимиз доирасида ўтказилган учрашувлар юртингиз ишбилармонлари билан амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Музокарада Ўзбекистон билан Германия ўртасида озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, тармоқда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини фаоллаштириш ва ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

# ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***Илк бор мамлакатимиз пойтахти Тошкентда кашф этилиб, одамларнинг ҳайрати ва катта қизиқишларига сабаб бўлган телевидение ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан тараққий этиб бораётган бугунги асримизда фуқароларнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини қондирувчи энг оммавий воситага айланиб улгурди.***

Дарҳақиқат, бугун телевидение ва радио юртимиз ҳудудини қарийб тўлиқ қамраб олган. Шу жиҳати билан энг катта аудиторияга эга оммавий ахборот воситаси бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни барчага етказишда ўрни ва роли беқиёс аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги глобаллашув жараёнларида телекоммуникация соҳасининг жадал суръатларда тараққий топаётгани, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни узатиш тизимига энг замонавий технологиялар жорий этилаётгани, рақамли, мобиль ва интернет телевидение каби мутлақо янги медиа-тузилмаларнинг ҳаётимизга кириб келиши мазкур тизимдаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базасини янада такомиллаштириш зарурлигини кун тартибига қўймоқда.

Президентимиз томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилгани бежиз эмас.

## КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Мазкур Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида давлатимиз раҳбари таклиф этган қонун ташаббусларидан бири, бу — медиа бозорнинг энг муҳим тармоқларидан бўлган телерадио тизимини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилишдир. Шунингдек, амалдаги “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурини ишлаб чиқиш ҳам мамлакатимизда ушбу соҳанинг янада ривожланишида асосий омил бўлиши, шубҳасиз.

Ушбу йўналишда таклиф этилаётган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ҳамда мустақиллиги принципларини белгилаб беради. Жумладан, эфир орқали узатиладиган дастурларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мультимедиа технологияларини кенг жорий қилиш, соҳани мустақил қудратли индустрия сифатида қайта ташкил этиш, телерадиоэшиттиришлар янги шакл ва турларининг пайдо бўлиши учун ҳуқуқий асосларни яратиш “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”ги янги қонунда ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг демократик ва ошкоралигини таъминлаш, телерадио соҳасидаги асосий принципларни белгилаш, жумладан, рақамли телевидениега ўтиш муносабати билан истеъмолчиларга умуммажбурий тусдаги каналларни қабул қилишни кафолатлаш, қисқача айтганда, мамлакатимизда телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил этиш ушбу қонуннинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатимизда рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурига биноан, рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш, бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган самарали тизимни яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу билан, энг аввало, фуқароларнинг тезкор, сифатли, кенг кўламли ва самарали ахборот олишларига қулай имкониятлар пайдо бўлади. Биринчи навбатда, ҳозирги вақтдаги истеъмолда бўлган аналогли форматнинг битта частотасида атиги битта канал мавжуд бўлса, рақамли форматда бу кўрсаткич 12 тани ташкил этади.

(Давоми 2-бетда).

# ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР ҚАСАМЁДИ

***Энг улуғ, энг азиз айёмимиз — Мустақиллигимизнинг қутлуғ 20 йиллик байрами кунларида пойтахтимиздаги “Ватанга қасамёд” ҳайкали пойида Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети биринчи курс курсантларининг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.***

## Фахр

Унда тегишли вазирлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Қуролли Кучлар фахрийлари, ота-оналар иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш, аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ва унинг самараларини яна бир карра эътироф этдилар.

— Ҳарбий қасамёдни айнан Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган “Ватанга қасамёд” ҳайкали пойида қабул қилганим менга катта масъулият юклайди, — дейди курсант Алишер Жалолов. — Мақсадим, муқаддас Ватан тупроғини эъзозлаш, мусаффо осмонимизнинг соф ва осудалигини таъминлашга ҳисса қўшиш.

(Давоми 2-бетда).

# Истиқболли лойиҳалар самараси

**Бир рақам шарҳи**

Мамлакатимизда **2011** йилнинг биринчи ярмида озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича **509** та лойиҳа амалга оширилди.

*Президентимиз ташаббуси билан ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган истеъмол моллари билан тўлдириш, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, уларнинг зарур ускуна ва дастгоҳлар, хом ашё ва материаллар сотиб олиш бўйича инвестициявий лойиҳалари тижорат банклари томонидан қўллаб-қувватланаётгани соҳада янги имкониятларни яратаётир. Жорий йилнинг олти ойида банкларнинг 821,2 миллиард сўмлик кредитлари шундай лойиҳаларга йўналтирилгани бунинг яққол тасдиғидир.*

*Шу билан бирга, жойларда кўплаб янги корхоналар фойдаланишга топширилаяптики, бу, ўз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаяпти. Табиийки, бунда ҳудудлар саноат салоҳиятини ошириш ва асосий турдаги истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувватларни ишга тушириш дастурлари муҳим омил бўлмоқда.*

*Бундай кенг кўламли ва изчил чора-тадбирлар шу йилнинг биринчи ярим йиллигида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 13,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 11,1 фоизга ошириш имконини берди.*



***Навқирон ўғил-қизларнинг пухта билимли, кенг дунёқарашга эга етук шахс бўлиб вояга етишларини таъминлаш энг устувор мақсадларимиздан биридир. Зеро, бугунги кунда юртимиз таълим соҳаси ривожи йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шундай эзгу ният мужассам. Қувонарли жиҳати шундаки, ёшларимиз бу каби беқиёс эътибор ва ғамхўрликларга жавобан келажакда малакали мутахассис бўлиб етишишга, замонавий билимларни эгаллаб, эл-юрт ишончига муносиб фарзанд бўлишга астойдил интилмоқдалар.***

# МУҚАДДАС ВАТАННИНГ ИҚТИДОРЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

Диёримизнинг барча ўқув масканларида “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!” шиори остида ўтказилган илк дарсларда она-юртга муҳаббат туйғуси, миллий ўзликни англаш, энг бебаҳо, энг азиз неъмат — мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва қадрлаш ҳар бир фарзанднинг бурчи эканлиги таъкидланди. Мактаб остонасига эндигина қадам қўйган жажжи ўқувчиларга эса “Мустақиллик дарси” бошланишидан аввал Президент совғаси — ўн уч номдаги ўқув қуроллари ҳамда дарсликлардан иборат махсус тўплам ҳадя этилди.

Анъанага мувофиқ, янги ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг биринчи синфига борган 485 минг нафардан зиёд ўғил-қизга ана шундай совғалар тантанали равишда топширилди. Шу куни илк бор қўлига қалам тутиб, алифбедан сабоқ ола бошлаган мурғак фарзандлар Юртбошимиз меҳри ва юксак ғамхўрлигини юракдан ҳис этаётганликлари уларнинг шундоққина юз-кўзларидан сезилиб турарди.

— Ёш авлод камоли ҳар бир ота-она ва устоз-мураббийнинг эзгу орзусидир, — дейди пойтахтимиздаги 91-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори Азиза Темирова. — Бугун Президентимизнинг махсус совғасини олган болажонларимиз қувончига шерик бўлиб, биз, ўқитувчилар ич-ичимиздан фахр ҳиссини туйдик. Негаки, юртимиз ёшларининг беқиёс имконият ва ғамхўрликлардан баҳраманд бўлиб улғаяётганликлари юртдошларимизнинг буюк келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Чиндан ҳам, бугун янгича таълим стандартлари асосида илм олаётган ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Замонавий ўқув бинолари, кенг ва ёруғ синф хоналари, энг сўнгги русумдаги компьютер ҳамда лаборатория жиҳозлари, кутубхона, спорт мажмуаси — буларнинг бари ёшларимиз ихтиёрида. Хусусан, 91-мактабда ҳам ўқувчиларнинг инглиз тилига ихтисослаштирилган таълим дастури асосида сабоқ олишлари учун барча имконият яратилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу ўқув масканида 910 нафар ўғил-қиз билим олаётир. Таълим даргоҳининг биринчи синфига эса жорий йилда 105 нафар ўқувчи қабул қилинди.




Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатга 2011/2012 ўқув йили учун 150 нафар бешинчи синф ўқувчиси қабул қилинди. Бу ерда улар мусиқа ва санъат йўналишларида малакали устозлардан таълим оладилар.

Қувонарлиси, мактаб-интернатнинг иқтидорли ёшлари бугун нафақат юртимиз, балки жаҳон миқёсида ўтказилаётган нуфузли кўрик-танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, совриндорлар сафидан ўрин эгалламоқдалар. Яқинда ўқув масканининг бир гуруҳ истеъдодли ўқувчилари Италия мамлакатида бўлиб ўтадиган Ёшлар халқаро мусиқа фестивалида қатнашиш учун жўнаб кетишди.

— Ўғлим Нодирбек ҳам ана шундай катта ютуқларга эришиш истагида, — дейди Ҳикоят Йўлдошева. — Янги ўқув йилида у лицейнинг она тили ва адабиёт йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинди. Умумтаълим фанларидан синов имтиҳонларини аъло баҳоларга топшириб, юқори балл тўплаганидан беҳад хурсанд бўлдик. Барча оналар каби боламнинг иқболини тилаб дуо қиламан. Умуман, фарзандларимизнинг билимдон ва истеъдодли бўлиб камолга етишлари учун нимаики зарур бўлса, бари-бари муҳайё этилаётгани, уларнинг бахту саодати йўлида ҳавас қилса арзигулик эзгу ишлар амалга оширилаётгани учун Президентимиздан бениҳоя миннатдормиз!

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ҳасан ПАЙДОЕВ,**
**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган суратлар.**

# Ёшлик, дўстлик ва баркамоллик байрами

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!” шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.**

**Фестиваль**

Тадбирда мактаблар, коллежлар ва академик лицейлар ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари қатнашди.

Мазкур фестиваль Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди.

— Юртимизда биз, ёшларнинг пухта билим эгаси бўлиб, иқтидор ва истеъдодимизни намоён этишимизга кенг имкониятлар яратиб берилаётир, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Наргиза Юнусова. — Ҳозиргача иккита хорижий тилни мукаммал ўргандим. Мақсадим олий ўқув юртига кириб, Ватан тараққиётига улуш қўшадиган фарзанд бўлиб етишишдир.

Фестивалда санъат усталари, ёш ижрочилар иштирокида дилрабо куй-қўшиқлар янграderivative. 

Ёшлар фестивалида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**О. ФАЙЗИЕВ.**

«POPDONMAHSULOT»
акциядорлик жамияти жамоаси
юртдошларимизни
энг улуғ, энг азиз байрам —
Истиқлолимизнинг 20 йиллиги
билан чин дилдан қутлайди!
Мамлакатимиз обод, осмонимиз мусаффо, турмушимиз янада фаровон бўлиб, хонадонимиздан бахт-саодат, тўкинлик ва қувонч ҳеч қачон аримасин!
Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!




● Реклама ва эълонлар ●

«ҚАШҚАДАРЁПАХТАСАНОАТ»
худудий бирлашмаси очиқ акциядорлик жамияти
Ватанимиз аҳлини
энг улуғ ва энг азиз байрамимиз —
Мустақиллигимизнинг
20 йиллиги
билан қизғин муборакбод этади!




Мустақиллигимиз абадий, осмонимиз доимо мусаффо бўлишини тилаб қолади!
1201R/175

XALQ BANKI
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
сизларни 2011 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича танловда қатнашишга таклиф этади.

Аудиторлик текшируви Халқ банкининг 2011 йил бўйича молиявий ҳисоботини халқаро аудит стандартларига ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўрганиб чиқишга қаратилиши лозим.

Аудит Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банкининг фаолиятини аудит дастурига мос равишда таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда халқаро аудит стандартларига мувофиқ холис аудиторлик хулосасини ўз ичига олиши зарур. Қўшимча тарзда Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банкининг фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифларни ўз ичига олган ҳисобот ҳам тақдим этилади.

Халқ банкига аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича танловда қатнашиш учун ўз техник ва молиявий таклифларингизни 2011 йил 30 сентябрь куни соат 14.00 дан кечикмаган ҳолда, давлат-тижорат Халқ банкига қуйидаги манзил бўйича юборишингиз лозим:

100096, Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 46-уй.
Маълумот учун телефонлар:
(+998 71) 200-00-55, (+998 71) 273-69-13.
1205H/65

UZTRANSGAZ
JOINT-STOCK COMPANY AKSIADORLIK KOMPANIYASI
«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
Ҳурматли юртдошлар!
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ,
жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрига қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.
Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.
754R/667

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Гигиена кафедрасининг собиқ мудири, профессор
**Оқил Исхакович ИСХАКОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА Микробиология институти жамоаси Микроорганизмлар ферментлари лабораторияси катта илмий ходими Аҳмаджон Махсумхановга падари бузруквори
**Аъзамхон МАХСУМХАНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзнефтмаҳсулот” акциядорлик компанияси жамоаси Нефть маҳсулотлари сифатини назорат қилиш, метрологик таъминот ва сертификатлаш бўлими бошлиғи Рустам Абдуқодировга фарзанди
**Козимжон АБДУҚОДИРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




САНОАТ МОЙИ И-20А 749,1 ▼ -2079,1




МОТОР МОЙИ М14 В2 1418,3 ▼ -1164,9




БЕНЗИН АИ-80 2119,8 ▲ +252,4




ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 2561,3 ▲ +31,3

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

## Улуғбек — бронза медали соҳиби

***Венгриянинг Шомбатели шаҳрида ҳарбийлар ўртасида спортнинг кураш турлари бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муносиб иштирок этишди. Хусусан, юнон-рум кураши бўйича 85 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан спортчимиз Улуғбек Алихўжаев бронза медалини қўлга киритди. Бу унинг энг улуғ, энг азиз байрамимизга ажойиб туҳфаси бўлди.

Шунингдек, жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Собиржон Қозоқбоев бир қатор баҳсларни ғалаба билан якунлаб, ўз вазн тоифасида бешинчи ўринни қўлга киритди.

## Халқаро турнир совриндори

***Хитойнинг Дунгуань шаҳрида фигурали учиш бўйича "Aziya Trofi 2011" халқаро турнири ўтказилди.***

Унда қитъамизнинг ўнга яқин давлатидан 80 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Кескин ва муросасиз кечган беллашувларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Михаил Ге юксак иқтидор соҳиби эканлигини намойиш этди. Ҳамюртимиз қисқа ва эркин дастурларда 169,22 балл жамғарди ва кумуш медаль билан тақдирланди. Мусобақанинг олтин медали хитойлик спортчи Хан Янга насиб этди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


**Диққат!**

**Йўналишсиз таксилар учун ҳисоблагичлар (таксометрлар) ва таниш белгиларини етказиб бериш бўйича юридик шахсларни танлов асосида танлаб олиш бўйича танлов ўтказиш ҳақида ЭЪЛОН.**

Йўналишсиз таксилар учун ҳисоблагичлар (таксометрлар) ва таниш белгиларини етказиб бериш бўйича юридик шахсларни танлов асосида танлаб олиш бўйича конкурс танлови эълон қилинади.

Танлов 2011 йил 6 октябрь куни соат 10.00 да, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй манзилида ўтказилади. Конкурс танлови очиқ бўлиб, унда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган ҳар қандай юридик шахс иштирок этиши мумкин. Банкрот деб эълон қилинган ёки тугатиш босқичида бўлган ёхуд мол-мулки хатланган талабгорларнинг конкурс танловида иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Аризалар бериш ва танлов ҳужжатларини олиш учун белгиланган муддат конкурс танлови ўтказилиши санасидан 5 кун аввал якунланади.

Конкурс танловида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар комиссияга танлов ҳужжатлари тўпламини олиш учун 2011 йил 5 октябрь куни соат 17.00 дан кечикмасдан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй манзилига ариза беришлари керак.

Йўналишсиз таксилар учун ҳисоблагичлар (таксометрлар) ва таниш белгиларини етказиб бериш бўйича танлов таклифлари алоҳида тақдим этилади.

Танлов таклифлари топширилганидан сўнг иштирокчилар уларга бирон-бир тузатиш киритишга ҳақли эмаслар.

**Маълумот учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 241-15-11, 241-56-42.**

1210Н-1/1076


• Реклама ва эълонлар •

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



***Истиқлол йилларида мамлакатимизда телекоммуникация тизимини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида юртдошларимизнинг сифатли алоқа хизматидан баҳраманд бўлишлари учун кенг имконият яратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу борадаги ишлар, айниқса, кейинги йилларда янги босқичга кўтарилди. Натижада жойларда замонавий алоқа станциялари ишга туширилиб, энг чекка қишлоқ ва овулларга ҳам сифатли коммуникация хизмати кириб борди.***

Айтиш жоизки, телекоммуникация тармоқларини янада юксалтириш ва модернизация қилиш борасидаги қатор истиқболли лойиҳалар мамлакатимизнинг алоқа инфратузилмасини такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда республиканинг туман марказларигача бўлган ҳудуддаги телефон станциялари замонавий рақамли телефон станцияларига алмаштирилди. Оптик толали алоқа линиялари асосида юқори тезликдаги рақамли каналлар ташкил этилди. Мазкур ислоҳотлар симсиз технологиялар, жумладан, мобиль алоқа тизимининг жадал ривожланишига асос бўлаётир.

Бундай устувор вазифалар ижросида "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Bosh kommutatsiya markazi" филиали жамоасининг ҳам ҳиссаси беқиёс.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 декабрдаги "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясини хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган мазкур филиалда ҳозир 369 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисми замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган ёшлардан иборат. Бу эса иш самарадорлигини ошириш, хизмат сифатини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, 2010 йилнинг май ойида филиал фаолиятига "ISO — 9001" халқаро сифат сертификати берилиши бунинг яққол исботидир.

Айни пайтда аҳоли ўртасида телекоммуникация хизматларига бўлган талаб кун сайин ортиб бораётир. Шуни ҳисобга олган ҳолда, филиал жамоаси замонавий хизмат турлари, хусусан, радио ва телеузатишлар учун йўлдошли каналлар тақдим этиш, телевизион дастурлар қабул қилиш ва узатиш, янги коммуникация тармоқларини қуриш ва мавжудларини такомиллаштириш борасида изчил ислоҳотларни амалга оширмоқда.

**Ислоҳот**

*— Истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, — дейди "Bosh kommutatsiya markazi" раҳбари ўринбосари Шуҳрат Каримов. — Ҳозир филиалимиз томонидан тақдим этилаётган турғун ва мобиль, халқаро ва шаҳарлараро алоқа операторлари ҳамда интернет провайдерлари учун каналларни ижарага бериш, барча турдаги товушли алоқа ва маълумотларни узатиш, интернет тармоғи, видео-аудио-видеоконференция каби замонавий хизматларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Ўз навбатида, телекоммуникация қурилмаларини ишлаб чиқарувчи чет эл операторлари ва компаниялари билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Бу — маълумотлар узатиш, интернет тармоғидан фойдаланиш ва аҳолига IP телефон хизматларини тақдим этиш борасидаги истиқболли режаларимиз ижросида ҳам қўл келиши, шубҳасиз.*

Малакали кадрлар — тараққиёт таянчи. Қай бир соҳада бўлмасин, ўз ишини, касбини мукаммал эгаллаган мутахассисларга талаб ва эҳтиёж юқори. Шу боис, кадрлар малакасини ошириш, "Устоз — шогирд" анъанаси асосида етук мутахассислар тайёрлаш — "Bosh kommutatsiya markazi" раҳбариятининг диққат-эътиборида. Хусусан, филиал ходимларининг хорижий мамлакатларда тажриба орттириб қайтаётгани илғор технологияларни ҳаётга татбиқ этишда асқотмоқда. Бугун жамоада меҳнат қилаётган Зуфар Қурбонов, Шуҳрат Тўлаганов, Султонмаҳмуд Сиддиқов, Жамшид Имомалиев, Хуршид Сагатов, Азизбек Абдуқодиров, Обиджон Собиров каби салоҳиятли, билимдон ёшлар филиалнинг фахри ҳисобланса, Валерий Грахов, Султонмурод Шукуров, Тамара Шеина, Ирина Нестерова, Мунаввар Қодиров, Абдумалик Ҳошимов сингари тажрибали ходимлар устоз сифатида жамоага ўрнак. Қолаверса, Тошкент ахборот технологиялари университети ва соҳага доир бошқа таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг шартнома-тўлов маблағларини тўлаш, уларни соғломлаштириш, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳам ибратга лойиқ.

Филиалда ходимларнинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш — доимий эътиборда. Хусусан, ёзги спорт майдони, қишки спорт зали жамоа ихтиёрида бўлиб, бу ерда барча замонавий спорт инвентарлари мавжуд. Яқинда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида ўтказилган Республика спартакиадасининг Тошкент шаҳар иккинчи босқич мусобақаларида иштирок этган "Bosh kommutatsiya markazi" спортчилари олий ўринни қўлга киритиб, Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг 1-даражали дипломи билан тақдирланганини бу соҳада яратилган имкониятлар ўз натижасини бераётганини тасдиқлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Bosh kommutatsiya markazi" филиали давр билан ҳамқадам. Бу эса юксак муваффақиятлар гарови бўлажак.

**Марям АҲМЕДОВА.**






## ОБ-ҲАВО (6 сентябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 16-21, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 16-18, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**




КЎМИР (БПК) 37,9 ▲ + 2,1




ШИФЕР (1 лист) 17351 ▼ - 319




ПАХТА ЁҒИ 1678,4 ▼ - 69,5


Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Нархларнинг белгилари: ▲ + кўтарилган, ▼ - пасайган, сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM ЎзРТХБ сайтида



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 52196 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5